

Умида Абдуазимова

СЕВИНЧИМ

Тошкент

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти

1988

Абдуазимова, Умида.

Севинчим, [Шеърлар]. — Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти. — 1988. — 446.

Умида Абдуазимова анча дадил овози билан шеърхонлар эътиборини қозонаётир. Умиданинг бу китобига кирган шеърлар муаллифнинг фикр доираси кенгайиб бораётганидан далолат беради.

Абдуазимова У. От всей души: Стихи.

Ўз2

А 4702570200—193 © Faфур Fuлом номи-
M352(04)—87 Доп. 87 даги Адабиёт ва санъат
нашиёти, 1988 й.

ISBN 5—635—00162—9

ОСТОНАДА

Мен баҳор гулидек барқ урган уй бу:
Бол тутган сўрилар, анвойи гуллар.
Бувимни ёдлатур сада райҳону
Сайҳонга етаклаб чиқувчи йўллар...

Инок оққан анҳорнинг сувлари саёз,
Сал чўкиб қолибди қадрдан супа.
Оймома, сирдошим, гўзал, бепардоз,
Аямай сепардинг бошимдан упа!

Ассалом, феруза осмоним менинг,
Ассалом, орзуманд офтобим кўпдан.
Ассалом!..
Ассалом!..
Яна не дейин?
Турибман мисоли тушгандек кўқдан...

* * *

Қушлар учиб кетди боғимдан...
Боғим сўлиб тургандан кейин
Қушлар нима қилсин боғимда?

Қорлар эриб кетди тоғимдан...
Қуёш кулиб тургандан кейин
Қорлар нима қилсин тоғимда?

Оппоқ қорга бурканган төглар
Тушларимга киради энди.
Чах-чах қўшиқ айтган қушчалар
Хаёлимда юради энди...

ТОНГ

Қора сочин йиғиб тун қизи,
Аста кулиб оппоқ тонг отди.
Мени қувноқ қушларнииг сози
Ва гулларнииг нози уйготди.

Гулдан чамбар тақиб бошига,
Кезар эди ўлкамда баҳор.
Ўсма тортиб боғлар қошига,
Безар эди ўзидек дилдор.

Далалардан келган куй-қўшиқ,
Юрагимга боғлади қают.
Қўшиқ айтиб қувондим, жўндин —
Мангу уйгоқ серташвиш ҳаёт!

Боқиб нурга тўлиқ ўлкамга.
Энг бахтиёр сездим ўзимни.
Гулга қўнган тонгги шабнамга
Ҳавас билан юздим юзимни.

* * *

Тўхтаб қолган эди менинг соатим,
Юрак — қонлар араваси меъёрда.
Ўйлар эдим: жаҳон—қадим, ер—қадим,
Янгилик бор наҳот гулда ва қорда?

Жим кузатдим әришини оқ қорнинг,
Вақт — эриган қор, гуллади олуча!

Омонлик деб қарши олдим баҳорни,
Қўшиқларни тингладим ўз ҳолича.

Аммо... аммо бирдан жала, сел қўйди.
Юрагимни ёриб ўтди чақмоқлар.
Савр ойи самовотга ўт қўйди,
Сукунатни ёқиб кетди чақмоқлар...

* * *

Бу гуллар қачон гуллар,
Қачон жилмаяр, кулар,
Жавлон уриб қошида
Булбуллар куйлар.

Бу гуллар гуллар.
— Кейин?
Булбуллар куйлар.
— Кейин?
Кейин янги булбуллар,
Янги навниҳол гуллар...

* * *

Субҳидам еллари гуллар бўйини
Димоққа ёқимли таратиб ўтди.
Атрофга ёйганча қушлар куйини,
Чаманда дилрабо янгратиб ўтди.

Ҳовуз лабидаги маъюс мажнунтол
Солланган соchlарин тароқлаб ўтди.
Барчада гўзаллик қиласай деб бисёр,
Кезиб гулшан аро сўроқлаб ўтди.

Мұҳаббат васфини күчириб тилга,
Мұҳаббат васлида ўйлатиб ўтди.
Мұҳаббат фаслинин жо қилиб дилга,
Хиромон ҳурлигин сўйлатиб ўтди!

* * *

Сокин дунё.
Ими-жимида
Хомток бўляпти боғларда.
Шўралар ҳам гўра ичидан
Узилиши бор бу чоқларда...

Елкада енг шалвираб борар,
Оппоқ кўйлак мунгайган хунук.
Аламзада юрак тораяр,
Кўз — дунёмнинг дарчаси сўник.

Сокин дунё,
Бас қил ниқобни!
Аламларинг тиз чўксин эркка!
Дор остида киймайлик қопни,
Очиқ кўз бер, Сўз бер юракка!

* * *

Июнда гуллаган гўзал нилуфар,
Яшагин, дейди.
Настарин шаббода пуркаркан ифор,
Яшагин, дейди.
Ёмғирда жунжиккан кучук бола-ю,
Ховузда ўйноқлаб юрган балиқча,
Қўлимда титраган алвон лола-ю,
Қўллари қовушиб кутган қайиқча
Яшагин, дейди!
Яшаяпман, мен учун барча

Эҳсонларни қабул қиласай, деб!
Яшаяпман, ўзим ҳам энди
Улар учун мақбул бўлай деб!

* * *

Иигилар ё тўзар одамлар,
Бузади ё тузар одамлар.
Бахту андуҳ талаб, бўлишиб,
Бир-биридан ўзар одамлар.

Гарчанд осмон ҳамда ойи бир.
Шимар ҳаво, ичар сойи бир.
Сувга тушса, кўйка учса-да,
Сўнг нафасда қайтар жойи бир.

Яхши билар: қисқадир умри,
Лекин бири — қўй, бири — бўри.
Бири жонин берар биринга,
Жаллод бўлар биринга-бири.

Бировидан қиласман фахр,
Мехр топдим, кўргуздим ахир!
Шундайин ҳам қисқадир умр...
Нега кўзга қалқади қаҳр?

Яхши аро ёмонлар яшар,
Яхшилика ҳамоҳанг башар,
Ёмонлар оз... (Ишонгим келар!)
Шу-чун кўзга ёмонлар тушар!

* * *

Қўлингни қўлимда ҳис этиб, дўстим,
Дуч келган йўллардан юриб бордим тик.

Бор эди ҳаётда ўз каму кўстим,
Бор эди... Бордим мен билмасдан ҳадик.

Мен учун чўзилган гайратли қўллар
Бунча ҳам меҳрли, бунча ҳам қучли?
Ҳамиша қудратга, журъатга йўллар...
Одамзод меҳрга шунча ҳам ўчми?!

* * *

Деразамнинг олдида бир дарахт бор,
Ёзда ёзиқ, қишида қиров — карахт бор.
Қушлар унда бола очар баҳорда,
Ҳам қўшиқ, ҳам нола очар баҳорда...

Деразамнинг олдидаги бир сурат,
Чунки унда әмас ҳамма гаӣ, қудрат.
Хоҳласам мен уни йиртиб ташлайман
Ё шунчаки бўёқ суртиб ташлайман.

Посбон бўлган қўшигу нолаларга,
Паноҳ бўлган ёзу қиши болаларга.
Дарахтни мен асраб турибман. Бироқ
Нега ҳамон Ер қаттиқ,
Осмон йироқ?!

* * *

Димоғдор ул кимсалардан мен,
Ўзни олиб қочиб боряпман.
Етилтириб туйғуларимни
Дон мисоли сочиб боряпман.
Илдиз отиб
Замин қаърига,
Мен тобора ботиб боряпман.
Майсаларим тўқ бошоқ бўлиб,

Нурга қучоқ очқб боряпман.
Тўлиб борар дил дард, қувончга,
Дондай қотар ташвишда бардош...
Ошкор йиглаб,
Ошкор кулишга
Бўла олар менга ким йўлдош?!

* * *

Тонг отмоқда — тун эса
Кетмоқда ойи билан.
Қоп-қорайиб безовта
Тўлғанған сойи билан.
Чирилдоқ чигирткалар,
Эртакчи еллар билан.
Жарлимни, туманлими,
Қайсиdir йўллар билан.

Тонг отмоқда — гунчалар
Тароватин очмоққа.
Сабуҳий оқ нурлардан
Тун судралиб қочмоқда.

* * *

Лаш-лушкини йиғиштириб чиқди кўчага:
Қофоз, қалам, бўёқ... сингир қаро кечага,
«Болаликнинг кўрар кўзи, далдаси ёлғон,
Каромати, айтар сўзи, ваъдаси ёлғон».

Хаёллари ҳаволанди тошлоқ йўлларга,
Қараб қолди қалам тутган қарол—қўлларга...
Лаш-лушкини йиғиштириб қайтди изига,
Оlamни сув босса чиқмас эди тиззига!

Бола бўлиб бир сония яшаб кўрганди,
Шу кунин деб,
Ахир, бир пайт
Ёниб юрганди!

ҚАЙТАР ДУНЕ

Тақдир қизин,
Дунё қайтар.
Менга бири сирин айтар.
Мен бошқага сирим айтсам,
Сирим сирлар бўлиб қайтар...

ТҮҒРИЛИК

Дараҳт тик ўсаверди,
Қайримади елларда.
Ўсаверди чалғимай
Ёқимли шивирларга.

Кейин-чи?
Қилиб жабр,
Кесиб, пўстин шилдилар.
Тўғри экан,
Бари бир!
Уйга устун қилдилар.

САИИЛ

Ойдин кеча,
Ойдин кўча.
Юрсак биз,
Нигоҳлар-ла сокин суҳбат қурсак биз!
Тепамизда кулиб турса сулув ой,
Шарқираса солиб дилга гулув сой.
Мен фақат шу жуфт гувоҳни истайман,
Юр, юрақол, мен сайилга қистайман!

Ойдин кечা,
Ойдин кўча.
Юрак чўғ.
Мену сендан ўзга бизда тилак йўқ.
Аямай ой нурларини эласин,
Кўчамизни сир, сеҳрга беласин.
Шарқироқ сой шижоатин тиласин,
Ярқироқ ой сочиворсин тилласин...
Ойдин кечा,
Ойдин кўча.
Юрсак биз...

* * *

Сувлар тўлиб оқмоқда,
Баҳор келди, азизим!
Қуёш кулиб боқмоқда,
Баҳор келди, азизим!
Қушлар қўшиқ айтмоқда,
Баҳор келди, азизим!
Турналар ҳам қайтмоқда,
Баҳор келди, азизим!

Нега чўғ хотиралар бормоқдалар сусайиб?
Нимага кунларимдан тунлар борар узайиб?
Чунки бир-биримизнинг
Қастидамиз, бу баҳор...
Битта осмон, бир қўши
Остидамиз бебаҳор...

ПАХТА ДЕСА...

Пахта деса кўз олдимга
Ифтихорим келади.
Қадоқ кафтли,
Қуёш тафтли
Пахтакорим келади.

Дўл, қатқалоқ, ўт балоси...
Даф бўлгунча куз келар.
Қўсакларда бир-иккита
Қурт учраса не қилар?

— Елиб-еллиб дорилайди,
Умидвордир... Авайлаб!
Үйқу қочар кўзларидан,
Ёмғир ёғса савалаб.

...Пахта деса кўз олдимга
Пахтакорим келади.
Ери каби
Манглайи кенг
Барқарорим келади.

* * *

Дарахт тўкса баргини,
Куз келди, деб ўйлабман.
Кўтаролмай дардини,
Узилди, деб ўйлабман.

Дарахтнинг илдизини
Қурт еганин билмабман.
Содда, гўлликда, Сенинг
Деганинг илгамабман.

Тилагингни кўзлар-ла
Уқиб олмабман, узр!
Ўзга хаёл, ҳислар-ла
Иstab турибман ҳузур...

Тани бошқа билмас дард.
Деганлари шу бўлса —
Бошқа-бошқа эканмиз,
Дарахтиynam, тушунсан...

ЮПАТИШ

Мен курашиб яшайман
Кураш билан.
Курашнинг эса жуда баланддир бўйи.
Мен толибман!
Чунки у курашмоқ учун
Бари бир, мен томонга эгилар қўйи.

АКАЛАРГА

— Қани, нари туринг-чи, ака-укалар,
Иғишириб сламан у ён-бу ённи.
Сизчалик тиимаса от, тана чўқиалар,
Ака кетидан ука кетди ёмони..

Буви жавраб қолади ўзича,
Улар
Кўчада бир-бирини тутар ё қувар.
«Бошлиқ» янги ўйинни ҳозирлар эди.
Ака кетидан ука сафлансин, деди..

Ака кетидан ука...
Ўйин бошланар.
Кейин сафга қўшилар янги ошналар.
— Йўлларингиз тўғрими эй, акаларим?
Қолмаймизми бир куни биз яккаланиб?..

* * *

Индамай кетасан...
Қанчалар оғир!
Оғрир дилим.
Тош соламан оғзимга
Тош қотсин учун тилим.

Индамай келасан...
Келасан, вақт келар...
Келасан, Баҳт келар!
Тош соламан оғзимга
Гиналарни сўйламасин учун тилим.

* * *

Ўйларимни бердим түпроққа,
Куйларимни бердим түпроққа.
Бор-йўғимни бердиму тердим
Гул-чечаклар.,
Турдим термоққа.

Қаддим аста-аста ростланди,
Шум хотирлар нураб, озланди,
Салом, Ҳаёт,
Қадимий қўшиқ,
Куйларингга ол, мени қўшиб!

* * *

Севги йўқ деб ким айтса,
Севинч ҳам йўқ деб айтсин!
Эртанги кундан умид —
Илиниж ҳам йўқ деб айтсин!

Тилсимлар йўқ туйгуда,
Беморлик йўқ деб айтсин!
Умр ўтар уйқуда,
Бедорлик йўқ, деб айтсин!

* * *

Фироқингда туну кун
Софинч билан яшадим.

Хаёлимда тикланган
Оувунч билан яшадим.

Иссиқ қүёшм бўлиб,
Қўл етмасга айландинг.
Сен томон юриб борсам,
Иўл етмасга айландинг.

Ўзимни олиб қочдим
Даъво қилган тоғлардан.
Ўйгониб кетдим баъзан
Ўзим чеккан оҳлардан!..

* * *

Бир кийиниб чиқай бу саҳар!
Юзингиздан томизиб заҳар,
Ўзингиз гарқ бўлиб кетинг унга.
Гарқмисиз? Иўқ бўлиб кетинг унда!

Кўйлагимни ойнинг нури десинлар.
Золушка берган туфличаларим,
Зебу зийнат, сийму зарларим!..

Қадамимдан гул тўкилади.
Севгини сеҳрлаб сламан,
Кўйлакларим, зарларим билан...

Нима қиласай? Сизни кулдириш,
Кулиб туриб баҳтда ўлдириш,
Саҳар туриб кийиниш эмас,
Сўнг кўзгуда суйиниш эмас...

КУЧИШ

Янги уйга кўчганда
Уйимиз бўшаб қолди.

Ховлимизга дарахтлар
Баргини тўшаб қолди.

Куз келиб ҳар тарафдан,
Ховлимни увуштириди.
Хомуш уйим келажак
Холимни суринтириди.

Хувиллаган уйимга
Боқиб дили роз келди.
Хайр десам, «ха-йр» деб
Хўрсинган овоз келди...

* * *

Фаслларда дол бўлдим,
Ёмғир, жала, дўл бўлиб.
Юлдузсиз тун сиқилдим,
Туман бўлиб йиқилиб...
Сен доим Қуёш бўлиб,
Кўтардинг кўкка қулиб!

* * *

Сени кутдим бетоқат юриб,
Кутган каби улуг байрамни.
Ўйларимдан сирли уй қуриб,
Тузаб қўйдим нурли хонамни..

Оппоқ гуллар тақиб эринмай,
Аяб кийдим кўйлагимни ҳам.
Кимлар ёниб сўрашди, бермай
Аяб қўйдим юрагимни ҳам!

Аяб қўйдим кулгуларимни,
Туйгуларга эрк бермадим мен.

Тунлар бузиб уйқуларимни,
Палак тикдим ой ҳуснига тенг.

Уйларимдан сирли уй қуриб,
Тузаб, ясаб нурли хонамни,
Сени кутдим бетоқат юриб,
Кутган каби улұғ байрамни!

* * *

Майли, севма, севма, йүқ,
Менга севги ато әт!
Юрагимга солиб чүр,
Севгиң билан адo әт!

Фироқингда күзларим
Майлига, очиқ кетсин.
Ой, қүёшга күзларим
Тоабад ошиқ кетсин!

Майли, севма, севма, йүқ,
Менга севги ато әт!
Севиб яшаш сеҳрли,
Хаёт эса ажайиб!

* * *

Мұхаббатни күмди...
Гапирмоқ осон!
Юракда тош бўлиб қотди күмгани.
Оҳ, шундан ўзгача илож қолмади,
Оҳ, шундан ўзгача йўл йўқ тингани!

Оҳ, шундан ўзгача гўр йўқ күмгани.
Оҳ, шундан сокироқ кўл йўқ чўмгани
Бир кун бу —
Тошлиар бўронида қолсангиз,
Жабрланувчи бўлиб олмангиз!

* * *

Сени севган эдим ҳеч кимга
Насиб этмас эҳтирос билан.
Сен-чи, қарши олибсан нега
Ҳадик билан, эътиroz билан?

Севавердим мен эса бегард,
Тал тортмас бир худбинлик билан.
Сўнгра кўмиб ташладим бедард
Гўё! оддий бир жимлик билан...

ЯШИЛ САНДИҚ

Тоҳирин кутаётган
Зуҳраман, илтижойим:
— Яшил сандиқ, очилгин,
Сендан топайин жойим!

Сузиб кетай узоққа,
Сув алласин тинглайнин.
Тоҳир ким, не дилида,
Сандиқ ичра англайнин.

Муқим нарса йўқ эмиш,
Ўткинчимиш севги ҳам,
Моҳимга изн берди,
Тоҳир, бу ҳам севгидан!

Юрак гўжанак бўлиб
Сузиб кетгим келади!
Темир қафасларингни
Бузиб кетгим келади!

Тоҳирин кутаётган
Зуҳраман, ола кетинг.

Тоҳир қайтар, деб дилга
Ё умид сола кетинг...

* * *

Бир қушчани қамаб қўйдилар қафасга.
Парваришилаб, аяб, суйдилар ҳавасга.

Учаман, деб ўлиб-тирилмай қўйди у.
Қафасидан нарига жилмай қўйди у.

Уни банди этганлар сувверарлар,
Тилло қафасига дон уяверарлар.

Суюшларин боиси нима, билмадим,
Ахир, у қушча ўзим... Нима ҳам қилдим?..

САНЪАТКОР

Гуллар билан сўзлашиб,
Гулга айланиб қолди.
Қушлар билан сўзлашиб
Қушга айланиб қолди.

Чунки сўзлашганида
Гуллар бўлиб яшади.
Қушлар йиғласа йиғлаб,
Кулса кулиб яшади...

* * *

Тушимда бир париухсор қиз
Ечиб олди қулоқдан сирғам.
Сирға ҳам майлику-я, ҳур қиз
Олиб қўйди узугимни ҳам!

Ерим таққан узук бу, — десам,
Кулди тақиб қўлларига у.
Бергин десам, ич-этим есам...
Кетаверди йўлларига у!

Рашкчи эдим шундоқ ҳам, тушим
Рашк ўтини ёндириди баттар!
Ишонмасдим... Эй, озод қушим,
Юксаклашиб кетдинг юз қадар!

ҚИЗЛАР ГАПИ РОСТ БЎЛСИН

Мени йўқлаб келибсан кеча,
Келмогинг йўқ эди ўйимда!
Йўқлигимдан нолибсан пича,
Келганмишсан ёниб куйимда, —
Шундай деди қизлар тушмагур!

Кўзларингда чақнаган олов
Ҳар юракка гулув солармиш.
Сенга кимки қараса бирров,
Ҳаяжонинг билиб олармиш, —
Шундай деди қизлар тушмагур!

Сўзларинг ҳам қовушмай сира,
Сирларингни ошкор этармиш.
Қўлларингда гуллармиш сара,
Бари мейга, менга аталмиш, —
Шундай деди қизлар тушмагур!

Умид билан «зорга келса» деб,
Иўлларимга бўлибсан маҳтал.
Ўйимга ўй, қалбимга, кулиб,
Ўт-оловни қалашиб баттар, —
Шундай деди қизлар тушмагур!

* * *

Кетавер, кетавер, қарама,
Кўзингга узрлар чўқтириб.
Кетавер, кетавер, бағрима
Кўзимдан ёшларим тўқтириб.

Кетавер, кетавер, эртага
Олмалар пишади / сузилиб.
Кетавер, кетавер, ортингдан
Тушмайди осмоним узилиб.

Кетавер...
Мен бахтли бўламан,
Қуёшим ботмоқда қизариб.
Эртага Кун бўлиб куламан,
Қуёшим ботмоқда қизариб...

* * *

Булбуллар дараҳтда,
Сунбуллар сувда.
Биз анҳор бўйида.
Суйганим қув-да!

Анҳорнинг шовқини
Яширап оҳин.
У ойна сувларга
Қадар нигоҳин.

Кулар ҳам,
Кўйлар ҳам,
Нигоҳи сувда.
Сув — аксим ўғриси...
Суйганим қув-да!

* * *

Бир хотирлаб кўрай-чи,
Нималар деганимни...
Лекин фикрим чарх урап
Хотирлаб деганингни.

Жонлантириб кўрай-чи,
Тутишим, турмушимни!
Лекин мен эшитяпман
Юрагинг урушини!

Шон-шавкатлар тахтидан
Ўзингга қайтганингни!
Ер одами бўлиб бир
Менга сир айтганингни!

Мен сен бўлиб қолдимми?
Сен мен бўлиб қолдинг, йўқ!
Икки қалб титроғидан
Кўзларимда порлар чўр!

* * *

Ўйларимни тўзитган
Ўйинларинг бас энди!
Муаллақдир чўзилган
Кўлларинг абас энди!

Энди буткул унудим
Сендек сулув суратни.
Гоҳо лолман қайдан, деб
Олдим бунча журъатни?..

* * *

Сен ҳақингда куйламасман ҳеч,
Ўзимники энди дала-туз.

Сен ҳақингда ўйлаганим пуч...
Қишигача мен билан бўлар куз.

Куз — қуёшда қовжираган ёз,
Куз — шамолда тўзиган баҳор.
Кузга ҳамроҳ бўлиб энди соз —
Утар умрим демоқ ҳам маҳол...

Қутуларман рашикинг — таъқибдан.
Фироқингда куймасман бироқ,
Кўз кўради узоқ-яқиндан,
Сен ҳақингда эшитар қулоқ...

* * *

Сенинг олдингга борсам
Йўлимни тўсгувчи йўқ.
Дилим, дилимни ёрсам,
Тилимни кесгувчи йўқ...

Сенинг олдингга борсам,
Йўлимни тўсгувчи йўқ.
Шундай ҳам бахтиёрсан,
Бахтингни бузгувчи йўқ!

ҒУЛҒУЛА

Шамол қамчилайди бутоқлар билан,
Ёмғир томчилайди тўлғоқлар билан.
Қалбим типирчилар:
— Қачон келасиз?

Лабларим пичирлар:

— Қаочон келасиз?

Кафтдек йўл хирадир,

Чироқлар хира.

Кўриниб, кўринимас

Ироқлар хира.

Кўк ойсиз.

Сой куйсиз.

Шамол-да, ахир!

Томчилар, томчилар...

Қамалда бағир.

Шамоллаб келсайдим -- енгил тортардим,

Ё йиглаб олсайдим -- енгил тортардим!

Чироқсиз юрибман туртиниб Сизсиз,

Шамолу ёмғирга кўриниб Сизсиз...

БИРИНЧИ МУҲАББАТ

Узугини йўқотиб қўйди,

Одамларнинг орасида қиз.

Излаб-излаб қийналди, куйди

Одамларнинг орасида қиз.

Кўп йигитлар узуклар тутди,

Одамларнинг орасида қиз.

Узугини тополмай ўтди

Одамларнинг орасида қиз...

* * *

Сен уни рашиқ қилиб яшадинг,

Йўқ ердан маломат йўндириб.

Қувончин ашиқ қилиб яшадинг,

Елкангга шайтонни миндириб.

Яшадинг — ёнингда кулмади.
Иифлай ҳам олмади юракдан.
Сен билан ишқ нима, билмади,
Ишққа ҳам ахир эрк керакдир!

Ажойиб кунларнинг бирида
Портлади бир вулқон мисоли.
Паранжи-чачвонни сўрида
Ёндирган ҳур Нурхон мисоли!

Чопмадинг, осмадинг, янчмадинг...
Чопилиб, осилиб бўлди у.
Ситилиб чиқолмай қолган дард,
Қувонди, қувончда ўлди у...

* * *

Мени сенга «ёмон» дебдилар,
У — ўқ, сен-чи, камон дебдилар!
Учар-кетар.
Суву ўтдексиз,
Қиёмат бу замон дебдилар!

Не десалар десинлар — тўйдим!
Ҳасду қасдим есинлар — тўйдим!
Барига тик боқиб, тек юриб
Мен ўзимни оқламай қўйдим!..

Яшайвердим ўзимча ғолиб,
На оҳ чекиб ва на-да, нолиб.
Қизиқ, шундай юрсам келди баҳт —
Сен — гулимни олдига солиб!..

* * *

Еиринчи ва охирги марта
Ҳам учрашдик, ҳам йироқлашдик.

Ўртамизда дарё ҳайқирди,
Икки четда биз қирғоқлашдик..

Биринчи ва охирги марта
Висолингда ловиллаб турдим.
«Севган юрак ўз сўзин дейди...»
Битта терак шовуллаб турди.

Ул теракнинг япроқлари ҳам
Бири оқ ва бири кўк бўлди.
Шодлик билан боз алмашди ғам,
Иккимиз ҳам сўнгра йўқ бўлдик.

Биринчи ва охирги марта
Бошимизда тутдик осмонни.
Биринчи ва охирги марта...
Ахир, шунча яшац осонми?!

* * *

Кўзларингга боқишига қўрқаман, чунки
Фош бўлиб қолади севгим кўзимдан.
Сўзларингга сўз қўшмай тураман, токи
Фош бўлиб қолмасин севгим сўзимдан!

Ўзимни йўқотаман сени кўрганда,
Оlamда фақат ўзинг яшай бошлайсан.
Менга шундай беларво қараб турганча,
Оlamда албат ўзинг яшай бошлайсан!..

СОВЧИЛАР

Эшикдан икки хотин
Ногаҳон кириб келди.

Қайнона билан келин
Ҳарён югуриб-елди.

Ўсма қўйиб ўтирган
Қиз эса қочиб кетди.
«Булар ким?» деб ўтирсан.
Қиз сирни очиб кетди...

БИР НАФАС

Барча гуноҳларингни
Бўйнимга олайин, ёр.
Хурков нигоҳларингни
Кўйнимга олайин, ёр!

Юрагим дупурини
Эшитяпсанми?
Мухаббатим умрини
Ё йитяпсанми?

Олов қарашларимдан
Ёниб кетақол, майли!
Мен каби бор-йўғингдан
Тониб кетақол, майли!

Сен билан учгим келур.
Учгим келур бир нафас.
Телбалигим дўст билур —
Кечгим келур бир нафас!

Оқ туман, оппоқ туман
Бағрига олса бизни,
Майлига, сўнг Ёсуман
Қаҳрига олса бизни!

Бир нафас... Шу бир нафас
Деб баридан кечаман.
Бир нафас деб минг ҳавас...
Қачон бирга учаман?

* * *

Сени жуда баҳтли дейишар,
Мен биламан қандайлигингни!
Омад, олтин тахтли дейишар,
Мен биламан қандайлигингни!

Доим қулиб юрасан чақнаб,
Мен биламан, қалб тубингда ғам.
Ғамларингни ҳадикда сақлаб,
Мумкин бир кун портлаб кетиш ҳам!

Фақат битта ўзим биламан,
Юракдаги армонларингни.
Айтгин, кимга ҳасрат қиласман,
Тоисин учун дармонларингни?

Керак әмас, сенга бу таскин,
Ўзинг сўраб олган ҳаловат.
Эҳтимол, ким билганча аксии,
Отиб қолар тошин маломат?..

Тинч яшамоқ учун тилингни,
Тийиб, дардинг ютаяпсан сен.
Кўринганга очмай дилингни,
Гўё баҳтли ўтаяпсан сен...

ТАШВИШЛИ КУНДАН КЕЙИН

Ўзимни ойга солдим,
Осмонга булут чиқди.

Кўзимни сойга солдим,
Оlamни сукут йиқди.

Ой мўлтираб,
Сой милдираб,
Шумшайиб қолди кеча.
Оҳ!.. дедим, оҳлар дедим,
Қўйнига олди кеча.

Оҳимдан олам ёришди,
Туним тонгга қориши!
Ўйин бўлди бу кеча...
Қийин бўлди бу кеча...

* * *

Кўнглимнинг энг хушвақтида мен,
Ўйларимнинг хилқатида мен,
Сени қашф этдим бир ўзим,
Юрагимнинг қат-қатида мен.

Қаршимда уч йўл турган эди.
Манзили пуч йўл турган эди,
Борса қайтмас йўлдан мен кетдим,
Қайтар йўл ҳам дуч турган эди.

Ойдек тўлиб келгил, севгилим,
Кундек кулиб келгил, севгилим.
Сени қандай ўйлаган бўлсам,
Шундай бўлиб келгил, севгилим!

* * *

Бугун қариб қолганимни,
Сўлиб қолганимни билдим.

Бир совуқ титроқ танимни
Сўнг жунжита бошлади жим...

Бу жимлиқдан кўзларимнинг
Остида халталар пайдо.
Сўник товуш — сўзларимнинг
Мазмуни ҳам майда-майдан...

Аслида шу майдаликдир,
Қариганим нишонаси.
Қарилик дард эмас оғир,
Майдаликдир, ишонсангиз!

* * *

Мен сен билан йўл юришга тайёрман.
Майли, бу йўл жуда ҳам оғир бўлсин.
Йўл юрсам ҳам мўл юришга тайёрман.
Майли, йўлда замон ҳам охир бўлсин!

Майли, бизга хўмрайсин дала-тузлар,
Майли, бизга гуллар пешвоз чиқмасин,
Йўлимиз боғласин майда гап-сўзлар,
Эшитмайлик майли, қушлар нағмасин.

Парво қилмай тутиб сенинг қўлингдан,
Мен баландга қараб бир кун ўлгайман.
Осмон олқар, сен ҳам олқа дилингдан,
Шу кенгликлар аро ғолиб бўлгайман!

* * *

Самовий қудрат билан
севган эдим.
Бетакрор журъят билан
севган эдим.

Фаришта каби учиб
юарар эдим.

Боладек Бахтни қучиб
юарар эдим.

Гурурим эди баланд,
Орзуларим мўл.
Минг ўй, минг хаёл билан
етганида қўл —

Бир сўздан узилди-ку,
Кўнгил тори!
Иўқ, само эмасдир у —
Дил озори!

Ернинг оддий одами
талпинганим...
Ернинг оддий одами
топинганим...

* * *

Сиз нимага мени севмайсиз?
Севсангиз-да, севдим демайсиз...
Иўқ, севмайсиз, агар севсангиз,
Хўзуримдан нари кетмайсиз!

Менда журъат етишмас, шунга!
Сўзда суръат етишмас, шунга!
Ҳеч бўлмаса, тунг, соқов бўлиш...
Бунга қудрат етишмас, шунга!

Сизни деб, сиз бўлиб қолганим,
Очиқлигим яхши эмасми?
Қишда қақшаб, ёзда ёзилиб...
Ошиқлигим яхши эмасми?

Сиз нимага Мейн севмайсиз?
Севсангиз-да «севдим», демайсиз?
Иўқ, севмайсиз...
Иўқ-иўқ, севгайсиз,
Иўқса бежиз йўқлаб келмайсиз!

* * *

Сен ишон,
Сен ишон,
Оlam қўлимда.
Ичу таш,
Ўнгу сўл,
Юrap йўлимда.

Мен жуда
Бахтлиман,
Жуда баҳтлиман,
Сен билан
Бу ҳаёт
Ахир тўлин-да!

Кўлинг бер,
Кўлинг бер!..
Кўллар туташди.
Энди биз дарёмиз —
Кўллар туташди!

* * *

Сени ёниб-ёниб севсалар,
Ўзларидан тониб севсалар,
Фақат сенга асир бўлсалар,
Гоҳ шаън,
Гоҳ жон басир бўлсалар,
Нақадар баҳтли улар!

Туйғулари ям-яшил бўлса,
Қайғулари ҳам яхши бўлса,
Шуълаларда чўмилса олам,
Сўз ийк бошқа, тўхтайди қалам...
Нақадар баҳтли улар!

СЕН РАШК ҚИЛМАЙ ҚУИГАНДАН БЕРИ

Қуёш юзин тўси туманлар.
Қўнгил қуршовида гумонлар.
Созимнинг торлари узилди.
Мен қўшиқ ҳам куйламай қўйдим.
Совуқ тунлар режа тузилди.
Куилар эса...
Эҳ, кимни сўйдим?
Энг чиройли кўйлакларимнинг
Ол рангини қуёш ўчириди.
Орзу, армон, тилакларимнинг
Барини ел кўкка учирди —
Сен қарамай қўйгандан бери!

ЯХШИ КЎРАМАН

Қуёш чиққач сўнган ой каби
Ўзинг олиб қочавер, майли!
Мени қуёш билсанг шод қалбим,
Тунда нуринг сочавер, майли!
Бари бир, мен яхши кўраман!

Меки йўқлаб келмасанг ҳечам,
Севгимни рад этиб кетсанг ҳам,
Ёлғизликда ёвланса кечам,
Ғуруримни поймол этсанг ҳам,
Бари бир, мен яхши кўраман.

Осмонга тош отсанг қайтади,
Ўзига ҳос садоси билан.

Ҳамма ҳам ўз дардин айтади,
Яшар меҳру муҳаббат тилаб,
Бари бир мен яхши кўраман!

Тун-кун аро мен бир шуъламан,
Басдир, мени кўрса кўзларинг!
Сен деб йиглаб, сен деб куламан,
Тоабад шу айтар сўзларим:
Бари бир мен яхши кўраман!

СУРАТ ҚАРПИСИДА

Кўрганларим эмасми алдоқ,
Ҳайратланиб лол бўлиб қолдим.
Потраб чиқдан лолақизғалдоқ
Эпкинида дол бўлиб қолдим.

Ўткир экан эгангиз кўзи,
Таъсир кучи тасвирдан каммас.
Ўзингизни яратиб ўзи,
Севиб қолган бўлса, ажабмас!

* * *

Вақти борлар — нақди борлар
Ҳавасимдадир.
Вақтни чўзмоқ аҳди ҳар бир
Нафасимдадир.

Менда вақтдан бошқа ҳамма
Нарса етарли.
Сенда вақтдан бошқа нарса
Йўқдир айтарли...

* * *

Сендан сўз олмоқ бўлдим —
Сўзлатмадим, сўзладим.

Кўзларингни... кўзларингни
Тинглаб кўзим узмадим.

Сўзлайвердим, сўзлайвердим,
Ёлғон-яшиқ, ҳуд-беҳуд.

Сени бурдли деб кўрдим,
Сўнгра ортидан бебурдъ

Асли ким қимни бундай
Аташга ҳақли, аён.
Асли тинглатиб қўйиб,
Сени этдим намоён!

ЭШИК

Эшикни қулфлаб, қалитини кўздан нарироқ
қилишга уринам
Аммо Қалит фақат менда эмаслигини
ҳам биламан.
Бари бир эшикни қулфлаб,
Қалитни кўздан нарироқ қилишга уринаман.

НИЯТ

Қушларнинг баланд парвозини кўриш учун,
Гулларнинг хушбўйларини туйиш учун,
Қўшнимнинг туғилган кунида эркин ўтириш учун,
Кимларданdir қарздор бўлиб эмас, балки кимлар-
нидир қарз қилиб яшаш учун —
Яшашим, ўзимни шундай сақлаб қолишим керак!

БУЛБУЛ

(эртак)

— Булбулжон, исмингни ким
Кўйди экан-а?
Энг биринчи сени ким
Булбул деган-а?
Кўшиқларинг ёқимли,
Боғлар севганинг.
Бойқушдек ҳаробалик
Эмас масканинг.
Боғни севган одамлар
Яшнатиб чаман,
«Кўйла, бўл-бўл», деб улар
Сени мақтаган.
Балки «бўл-бўл» сўзидан
Булбул бўлгансан.
Эрта тонгда куйлаб соф
Кўнгил бўлгансан?
— Сенга айтсам мен шоҳнини
Хотини эдим.
Ўғил туғиб, ўзимдан
Хўп тиниб эдим,
Шоҳнинг шодликларию,
Фамига бефарқ,
Оналик завқу шавқи
Умидига ғарқ,
Маза қилиб яшардим,
Дардлардан ҳоли,
Бирдан оламга яшин
Тушган мисоли,
Хонавайрон бўлдим мен
Айрилиб ҳушдан.
Үйгонолмай қолдим сўнг
Бу ёмон тушдан.

Туш бўлса ҳам кошкийди,
Бари ўнгимда,
Айрилиб қолдим игоҳ,
Сулув синглимдан.
Меҳмон бўлиб келганди,
Бизнинг саройга.
Лол қолганди ундаги
Ақлу чиройга
Бутун бир шаҳар аҳли
Офтоб келғандек.
Унинг билан малоҳат,
Одоб келганди!
Қошларин қайигида
Сузмоқ ўйида,
Қаллиқлар воз кечганди
Никоҳ тўйидан.
Келинлар аламзада,
На сири бор, деб,
Фийбат қиласдилар сўнг,
Беэътибор, деб.
Эрим, суюк ўғлимнинг
Буюк отаси,
(Подшоҳларнинг асли
Кўпdir хатоси)
Мен ҳеч кечира олмас
Хато қилди у.
Ўша машъум хатони
Кейин билдиму
Чидай олмадим асло
Бундай таҳқирга.
Ва тан ҳам беролмадим,
Бундай тақдирга!
Бир кун йўқолиб қолди,
Тасаллим — синглим.
Дили пок, тили қанду
Асалим — синглим.

Бир ҳафта ўтди, жимжит!
Йўқ, на хат-ҳабар.
Тўрт тарафга чоптиридим,
Қайда бор чолар.
Бир ой ўтди, ҳамон жим.
Қаддим дол бўлди.
Орзуларим чилнарчин
Пойимол бўлди.
Синглимга суксур куёв
Топмоқчи эдим.
Ол юзини ҳарирла
Ёпмоқчи эдим.
Катта тантана билан
Қилсан тўйини.
Энди эса... Синглимнинг
Кўрсам бўйини!
На ўлиги бор унинг,
Ва на тириги.
Дунё кўзимга қаро,
Қондир юрагим...
Бир пайт менга чолар
Гилам келтирди.
Бу гилам жумбоқ сири
Сари әлтарди.
Ўқий бошладим ундан
Синглим қайғусин.
Босқинчилик қилган шоҳ —
Мараз туйғусин.
Синглимнинг ҳолдан тойиб
Йиқилганлари.
Номусига сўнг аза
Ўқилганлари.
«Ўлдир» деб жаллодга шоҳ
Қилган имоси.
Шоҳга таъналар отган
Синглим сиймоси.

Жаллод тиги синглимнинг
Тилин кесгани.
Тилсиз, забонсиз синглим
Ўрмон кезгани...
Бу ўрмонда бойқушлар
Иўл ёритибди.
Илонлар раҳм қилиб
Ёшин артибди.
Шерлар эса сут бериб,
Малҳам қўйибди.
Шоҳда йўқ шафқат билан
Бари суйибди.
Қушлар тумшуги билан
Сувлар ташибди,
Синглим бир буту билан
Сўнг танишибди.
Унинг ёлларидан шу
Гилам тўқилмиш.
Синглим тақдирни бунда
Аён ўқилмиш.
Чидай олмадим асло
Бу мусибатга.
Қайгуларим сифмайди,
Асло сифатга.
Жоним келди ҳалқумга,
Болам ҳам ўлсин!
Менинг қанду асалим,
Лолам ҳам ўлсин!
Аlam билан ўғлимнинг
Жонини олдим.
Шилиб олдим суюқдан
Гўштини олдин.
Мурғак бошини нари
Қўйдим ҳозирча.
Бамисоли жигарим
Ўйдим ҳозирча.

Қабоб пиширдим унинг
Гўштидан ўзим.
Келдим шоҳнинг олдига
Ёшлиниб кўзим.
Мурғак болагинамни
Еди отаси.
Зуриёдини еди,
Еди хатосин!!!
Жимгина қараб турдим,
Туширди паққос.
— Ўғлинг гўштин еб бўлдинг,
Энди мени ос!
Ер титради, осмонга
Отилди мушак.
Олдимда туарар эди
Сассиқпопишак.
Ўглим калласи эса
Гулга айланди.
Баҳайбат саройимиз
Кулга айланди.
Вижирлаган қалдирғоч,
Эмас, синглимдир.
Мен булбулга айландим,
Яrim кўнглимдир.
Чаҳ-чаҳлаб гул қошида
Йиглаб, кулурман.
Ҳар саҳар куйлайман—соф
Кўнгил бўлурман.
...Булбул сўйлаб қиссасин
Сўнг учиб кетди.
Унинг билан ғам-алам —
Тун учиб кетди.
Тонг отганда яна у
Қўшигин бошлар.
Шабнам бўлиб гулларнинг
Кўзини ёшлар.

МУНДАРИЖА

| | |
|--|----|
| Остонада | 3 |
| «Құшлар учиб кетди бөгімдан» | 3 |
| Тонг | 4 |
| «Түхтаб қолған әди менинг соатим» | 4 |
| «Бу гуллар қачон гуллар» | 5 |
| «Субҳидам еллари гуллар бүйини» | 5 |
| «Сокин дунё» | 6 |
| «Июнда гуллаган гүзал нилуфар» | 6 |
| «Иигилар ва түзар одамлар» | 7 |
| «Құлингни құлымда ҳис этиб, дүстим» | 7 |
| «Деразамнинг олдида бир дараҳт бор» | 8 |
| «Димоғдор ул кимсалардан мен» | 8 |
| «Тонг отмоқда — тун эса» | 9 |
| «Лаш-лушини йигиштириб чиқди күчага» | 9 |
| «Қайтар дунё» | 10 |
| Түғрилик | 10 |
| Сайил | 10 |
| «Сувлар тұлиб оқмоқда» | 11 |
| Пахта деса | 11 |
| «Дараҳт тұқса баргини» | 12 |
| Юпатиш | 13 |
| Ақаларга | 13 |
| «Индамай кетасан» | 13 |
| «Үйларимни бердім тупроққа» | 14 |
| «Севги йүқ, деб ким айтса» | 14 |
| «Фироқингда туну кун» | 14 |

| | |
|---------------------------------------|----|
| «Бир кийиниб чиқай бу саҳар» | 15 |
| Кўчиш | 15 |
| «Фаслларда дол бўлдим» | 16 |
| «Сени кутдим бетоқат юриб» | 16 |
| «Майли севма, севма, йўқ» | 17 |
| «Муҳаббатни кўмди» | 17 |
| «Сени севган эдим, ҳеч кимга» | 18 |
| Яшил сандиқ | 18 |
| «Бир қушчани қамаб қўйдилар қафасга» | 19 |
| Санъаткор | 19 |
| «Тушимда бир парирухсор қиз» | 19 |
| Қизлар гапи рост бўлсин | 20 |
| «Кетавер, кетавер, қарама» | 21 |
| «Булбуллар дараҳтда» | 21 |
| «Бир хотирлаб кўрай-чи» | 22 |
| «Ўйларимни тўзитган» | 22 |
| «Сен ҳақингда куйламасман ҳеч» | 23 |
| «Сенинг олдингга борсам» | 23 |
| «Ғулғула» | 23 |
| Биринчи муҳаббат | 24 |
| «Сен уни рашқ қилиб яшадинг» | 24 |
| «Мени сенга «ёмон» дебдилар | 25 |
| «Биринчи ва охирги марта» | 25 |
| «Кўзларингга боқишга қўрқаман, чунки» | 26 |
| Совчилар | 26 |
| Бир нафас | 27 |
| «Сени жуда баҳтли дейишар» | 28 |
| Ташвишли кундан кейин | 28 |
| «Кўнглимнинг энг хушвақтида мен» | 29 |
| «Бугун қариб қолганимни» | 29 |
| «Сен билан йўл юришга тайёрман» | 30 |
| «Самовий қудрат билан» | 30 |
| «Сиз нимага мени севмайсиз» | 31 |
| «Сен ишон» | 32 |
| «Сени ёниб-ёниб севсалар» | 32 |
| Сен рашқ қилмай қўйгандан бери | 33 |

| | |
|-------------------------------|----|
| Яхши кўраман | 33 |
| Сурат қаршисида | 34 |
| «Вақти борлар — нақди борлар» | 34 |
| «Сендан сўз олмоқ бўлдим» | 35 |
| Эшик | 35 |
| Ният | 35 |
| Булбул (Эртак) | 36 |